

ТЕРГОВ ҲИБСХОНАЛАРИДА МАҲКУМЛАРНИ САҚЛАШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Атажанов Ўткир Маматсалаевич

Мустақил тадқиқотчи,

Халиллаева Сарвиноз Баҳодир қизи

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси кундузги таълим 3-ўқув курси 334-
гуруҳ курсанти*

Аннотация: Ушбу мақолада жиноят процессида маҳкумларни тергов ҳибсхоналарида сақлашнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари таҳлил қилинган. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси ва «Жиноят ишини юритиш чоғида қамоқда сақлаш тўғрисида»ги Қонун нормалари ўртасидаги номувофиқликлар ўрганилиб, маҳкумларнинг ҳуқуқий мақомини мустаҳкамлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: тергов ҳибсхонаси, маҳкум, қамоқда сақлаш, процессуал мажбурлов, жиноят процесси, ҳуқуқий мақом, қонунчиликни такомиллаштириш.

ВОПРОСЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ПРАВОВЫХ ОСНОВ СОДЕРЖАНИЯ ОСУЖДЕННЫХ В СЛЕДСТВЕННЫХ ИЗОЛЯТОРАХ

Аннотация: В данной статье анализируются организационно-правовые основы содержания осужденных в следственных изоляторах в рамках уголовного процесса. Изучены несоответствия между нормами Уголовно-процессуального кодекса Республики Узбекистан и Закона «О содержании под стражей при производстве по уголовному делу», а также разработаны предложения по укреплению правового статуса осужденных.

Ключевые слова: следственный изолятор, осужденный, содержание под стражей, процессуальное принуждение, уголовный процесс, правовой статус, совершенствование законодательства.

ISSUES OF IMPROVING THE LEGAL FRAMEWORK FOR THE DETENTION OF CONVICTS IN REMAND PRISONS (PRE-TRIAL DETENTION CENTERS)

Abstract: This article analyzes the organizational and legal framework for the detention of convicts in remand prisons within the criminal process. Discrepancies between the norms of the Criminal Procedure Code of the Republic of Uzbekistan and the Law "On Detention during Criminal Proceedings" are examined, and proposals for strengthening the legal status of convicts are developed.

Keywords: *remand prison, convict, detention, procedural coercion, criminal process, legal status, improvement of legislation.*

Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг марказида инсон қадр-қиммати ва унинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масаласи туради. Хусусан, пенитенциар тизимни либераллаштириш ва халқаро стандартларга мослаштириш жараёнида жазони ижро этиш муассасалари фаолияти тубдан ислоҳ қилинмоқда. Шу билан бирга, пенитенциар амалиётда маҳкумларни тергов ҳибсхоналарида хўжалик хизматига оид ишларни бажариш учун қолдириш институти мавжуд бўлиб, ушбу тоифадаги шахсларнинг ҳуқуқий мақоми ва уларни сақлаш шарт-шароитлари бўйича қонунчиликда айрим номувофиқликлар мавжуд. Мазкур ҳолатни илмий-назарий жиҳатдан тадқиқ этиш ва қонунчиликни такомиллаштириш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан биридир.

Маҳкумларни тергов ҳибсхоналарида сақлашнинг ҳуқуқий табиатини ўрганишда Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодекси ва «Жиноят ишини юритиш чоғида қамоқда сақлаш тўғрисида»ги Қонун нормалари ўртасидаги ўзаро мувофиқликни таҳлил қилиш талаб этилади.

Жиноят-ижроия кодексининг 45-моддаси 3-қисмига мувофиқ, тергов ҳибсхоналари хўжалик хизматига оид ишларни бажариш учун қолдирилган шахсларга нисбатан жазони ижро этиш муассасалари вазифасини бажариши мустаҳкамлаб қўйилган. Ушбу императив норма хўжалик хизматидаги маҳкумларга нисбатан жазони ижро этиш колониялари учун белгиланган барча ижтимоий ва ҳуқуқий кафолатлар (шу жумладан, узоқ муддатли учрашувлар, меҳнат таътили, телефон сўзлашувлари ва рағбатлантириш чоралари) тергов ҳибсхоналарида ҳам тўлиқ таъминланиши шартлигини англатади.

Бироқ, амалиётда ва «Жиноят ишини юритиш чоғида қамоқда сақлаш тўғрисида»ги Қонун доирасида ушбу нормани ижро этишда қатор ҳуқуқий ҳамда ташкилий бўшлиқлар кўзга ташланади. Хусусан, тергов ҳибсхоналари дастлабки қамоққа олиш эҳтиёт чорасини ижро этишга мослашган бўлиб, Жиноят-ижроия кодексида белгиланган умумий тартибли колонияларнинг шароитларига эга эмас. Оқибатда эса, юридик жиҳатдан хўжалик хизматини бажариш учун қолдирилган маҳкум амалда қамоққа олинган шахс шароитида яшашга мажбур.

Бундан ташқари, қонунчиликда хўжалик хизматига қолдирилган маҳкумларнинг ҳуқуқий мақомида мавҳумлик бор. Бир томондан, Жиноят-ижроия кодексининг 45-моддаси тергов ҳибсхоналарига ушбу тоифадаги маҳкумлар учун «жазони ижро этиш муассасаси» мақомини беради. Иккинчи томондан эса, тергов ҳибсхоналарининг асосий фаолиятини тартибга солувчи «Жиноят ишини юритиш чоғида қамоқда сақлаш тўғрисида»ги қонун (ўз номи ва моҳиятига кўра фақат гумон қилинувчи ва айбланувчиларга қаратилганлиги сабабли) муассаса ичида доимий жазо ўтаётган бу маҳкумларнинг ўзига хос хусусиятларини ва уларни сақлаш шарт-шароитларини тартибга солувчи махсус нормаларни назарда тутмаган.

Жиноят-ижроия кодекси 45-моддасининг ижросини таъминлаш мақсадида, «Жиноят ишини юритиш чоғида қамоқда сақлаш тўғрисида»ги Қонунни қуйидаги мазмундаги тўлдириш таклиф этилади:

«Тергов ҳибсхоналарида хўжалик хизматига оид ишларни бажариш учун қолдирилган маҳкумларни сақлаш шарт-шароитлари умумий тартибли жазони ижро этиш колониялари учун белгиланган талабларга тўлиқ жавоб бериши шарт. Ушбу тоифадаги маҳкумлар учун тергов ҳибсхоналарида алоҳида, камера тизимидан холи бўлган турар жойлар ва узоқ муддатли учрашув хоналари ташкил этилиши таъминланади».

Маҳкумларни тергов ҳибсхоналарида сақлашнинг ҳуқуқий табиатини ўрганишда Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодекси нормаларининг амалий ижроси муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, ЖИКнинг 53-моддасига мувофиқ, қасддан содир этилган оғир жинояти учун биринчи марта саккиз йилгача озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар ўзларининг ёзма розилиги билан тергов ҳибсхоналарида хўжалик хизматига оид ишларни бажариш учун қолдирилиши мумкинлиги белгиланган бўлиб, мазкур норма амалиётда маҳкумларнинг ҳуқуқий ҳолатини таъминлашда қатор муаммоларни юзага чиқаради. Энг аввало, оилавий алоқаларни сақлаш ҳуқуқининг чекланиши яққол кўзга ташланади. ЖИКнинг 53-моддаси 2-қисмидаги «маҳкумларга узоқ муддатли учрашувга рухсат бериш имконияти бўлмаса, уларга битта узоқ муддатли учрашув ўрнига иккита қисқа муддатли учрашувга рухсат берилади» деган қоида инсон ҳуқуқлари нуқтаи назаридан баҳслидир. Узоқ муддатли учрашув маҳкумнинг ижтимоий реабилитацияси учун энг зарур бўлган фундаментал ҳуқуқ бўлиб, ойна ортидан ёки қисқа мулоқот унинг ўрнини боса олмайди. Амалда бу ҳолат давлат муассасасида тегишли шароит йўқлиги сабабли маҳкумнинг қонуний ҳуқуқини қисқартиришга олиб келмоқда ва БМТнинг «Маҳкумлар билан муомала қилишнинг минимал стандарт қоидалари»га (Нельсон Мандела қоидалари), хусусан, жазонинг ўзи инсонга етарлича маҳрумлик келтириши ва тизим бу азоб-уқубатларни янада оғирлаштирадигани кераклигини императив тарзда белгиловчи 3-қоидасига ҳамда оила билан мунтазам алоқани сақлашни кафолатловчи 58-қоидасига мутлақо мос келмайди.

Иккинчи жиддий муаммо сақлаш шароитларидаги руҳий-психологик тафовут ва инфратузилмавий чекловлар билан боғлиқдир. Гарчи қонунчиликда маҳкумлар жазони қўлфлаб қўйилмайдиган умумий камераларда ўташи белгиланган бўлса-да, улар барибир «камера» тизимида яшашга мажбур бўлмоқда. Умумий тартибли колонияларда маҳкумлар кенгроқ ётоқхоналарда яшаб, очиқ ҳавода кўпроқ бўлиш имконига эга бўлса, тергов ҳибсхонасининг ёпиқ ва қатъий назоратдаги ҳудуди маҳкумда доимий равишда «қамоқ» руҳиятини сақлаб қолади ва бу ахлоқан тузатиш жараёнига тўсқинлик қилади. Бундан ташқари, ЖПКнинг 244 ва 538-моддалари ҳамда ЖИКнинг 53-моддасига асосан маҳкумларни 2,5 квадрат метрлик камераларда узоқ муддатга олиб қолиниши Мандела қоидаларининг 13-қоидасига (минимал яшаш майдони кафолати) мувофиқ келмайдиган «қўшимча оғирлаштирувчи муҳит»ни

яратади. Қолаверса, тергов ҳибсхоналарида интизомий жазо сифатида карцерда якка сақлаш режимининг қўлланилиши Мандела қоидаларининг 43-44-бандларида тақиқланган узоқ муддатли яккалашнинг салбий (қийноққа тенглаштирилган) оқибатларини юзага келтириши хавфи мавжуд. Шу сабабли, миллий қонунчиликка халқаро пенитенциар стандартларни имплементация қилиш мақсадида тергов ҳибсхоналаридаги маҳкумлар учун колония шароитларига тенглаштирилган минимал кафолатларни қонунан белгилаб қўйиш мақсадга мувофиқ.

Таҳлиллардан келиб чиқиб, маҳкумларнинг тергов ҳибсхоналаридаги ҳуқуқий мақомини халқаро стандартларга мослаштириш мақсадида миллий қонунчиликка Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг 53-моддаси 2-қисмидан «Маҳкумларга узоқ муддатли учрашувга рухсат бериш имконияти бўлмаса, уларга битта узоқ муддатли учрашув ўрнига иккита қисқа муддатли учрашувга рухсат берилади» деган жумлани чиқариб ташлаш лозим. Ўрнига: «Тергов ҳибсхоналарида хўжалик хизматига қолдирилган маҳкумлар учун узоқ муддатли учрашув хоналари ташкил қилинади» деган нормани киритиш зарур. Шунингдек, «Жиноят ишини юритиш чоғида қамоқда сақлаш тўғрисида»ги Қонунга тергов ҳибсхоналарини лойиҳалаштириш ва қуришда хўжалик хизматидаги маҳкумлар учун алоҳида, умумий тартибли колония шароитларига тенглаштирилган турар-жой (камера эмас) ва дам олиш блокларини назарда тутиш бўйича қўшимча норма киритиш мақсадга мувофиқ.

Тергов ҳибсхоналарида қолдирилган маҳкумларнинг ҳуқуқий мақомидаги яна бир жиддий бўшлиқ уларни жазони ижро этиш шароитларига мослаштириш жараёни билан боғлиқ. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг 56-моддасига кўра, муассасага етиб келган маҳкумлар уларнинг шахсини ўрганиш ва шароитга мослашиб олишлари учун ўн беш суткагача муддатга қабул бўлимига (карантинга) жойлаштирилади. Бироқ, ушбу нормада хўжалик хизматига оид ишларни бажариш учун тергов ҳибсхоналарида қолдирилган шахслар бундан мустасно эканлиги белгиланган.

Ушбу истисно қоида жазони ижро этишнинг тарбиявий ва психологик тамойилларига зид келади. Шахс тергов ҳибсхонасида «гумон қилинувчи» ёки «айбланувчи» мақомида бўлган вақтидаги руҳий ҳолати билан «маҳкум» мақомига ўтгандан кейинги ҳолати кескин фарқ қилади. Қонунчиликдаги мазкур истисно сабабли, тергов ҳибсхонасида қолдирилган шахс маҳкум сифатидаги янги ҳуқуқ ва мажбуриятларини тўлақонли англаб етмасдан, унинг психологик портрети ва соғлиғи чуқур ўрганилмасдан туриб тўғридан-тўғри хўжалик ишларига жалб этилмоқда. Бу эса маҳкумда жазони ўташ режимининг моҳиятини нотўғри шаклланишига ва муассаса маъмурияти томонидан маҳкумнинг шахсига доир муҳим ўзгаришларни эътибордан четда қолдиришга олиб келиши мумкин.

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг 56-моддаси иккинчи қисмидаги «...ҳамда хўжалик хизматига оид ишларни бажариш учун тергов ҳибсхоналари ва турмаларда қолдирилган шахслар бундан мустасно» деган қоидани чиқариб ташлаш таклиф этилади. Унинг ўрнига: «Тергов

ҳибсхоналарида хўжалик хизматига қолдирилган маҳкумлар учун уларнинг мақоми ўзгарганлиги муносабати билан камида беш суткалик мослашув, психологик ва тиббий ўрганиш ўтиш даври (қабул жараёни) мажбурий тартибда ўтказилади» деган нормани киритиш мақсадга мувофиқдир.

Тергов ҳибсхоналарида маҳкумларни сақлашнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалаларини таҳлил қилишда Жиноят-ижроия кодексининг қатор нормалари, хусусан, маҳкумларни кўчириш ва транзит-жўнатиш участкаларида сақлаш тартибини белгиловчи 60-моддаси муҳим аҳамият касб этади. Мазкур модданинг саккизинчи қисмида жазони ўташ жойига бораётган ёки бир муассасадан бошқасига кўчирилаётган маҳкумларни вақтинча сақлаш учун тергов ҳибсхоналари ҳузурида транзит-жўнатиш участкалари ташкил этилиши ва у ерда маҳкумлар йигирма суткагача сақланиши мумкинлиги кўрсатилган. Қонунчиликда мазкур шахсларнинг ўз жазо режими шартлари асосида сақланиши кафолатланган бўлса-да, амалиётда тергов ҳибсхоналарининг ёпиқ камера тизими умумий ёки манзил-коллония шароитларини тўлақонли яратиб бериш имконига эга эмас. Оқибатда, транзит маҳкумлар йигирма сутка давомида ўзларининг қонуний мақомига мос келмайдиган, оғирроқ шароитларда сақланишга мажбур бўлмоқдалар. Бу ҳолат аввал таҳлил қилинган Жиноят-ижроия кодексининг 45- ва 53-моддалардаги хўжалик хизматига қолдирилган маҳкумларнинг ижтимоий ҳуқуқлари, хусусан, узоқ муддатли учрашувлардан маҳрум этилиши муаммоси билан узвий боғлиқдир. Шу билан бирга, кодекснинг 56-моддасида хўжалик хизматига қолдирилган шахсларнинг қабул бўлимига (карантинга) жойлаштирилмаслиги шarti ҳам гумон қилинувчи ёки айбланувчи мақомидан маҳкумлиқ мақомига ўтаётган шахснинг янги шароитга психологик ва тиббий жиҳатдан мослашишига тўсқинлик қилмоқда.

Ушбу ҳуқуқий коллизияларни бартараф этиш мақсадида, тергов ҳибсхоналари инфратузилмасини жазони ижро этиш муассасалари талабларига мослаштириш, хусусан, транзит маҳкумлар ва хўжалик хизматидаги шахслар учун алоҳида, камера тизимидан холи бўлган турар-жой блоклари ҳамда узоқ муддатли учрашув хоналарини босқичма-босқич жорий этиш нормасини қонунчиликка киритиш зарур. Бундан ташқари, хўжалик ишларига жалб этилган маҳкумлар учун ҳам камида беш суткалик мослашув даврини жорий этиш уларнинг ҳуқуқий мақомини халқаро пенитенциар стандартларга, хусусан, БМТнинг Нельсон Мандела қоидаларига мувофиқлаштиришга хизмат қилади. Тергов ҳибсхоналарида хўжалик хизматига оид ишларни бажариш учун қолдирилган маҳкумларни сақлашнинг ҳуқуқий асосларидаги муаммолар уларнинг кундалиқ ҳаёт шароитлари ва интизомий жавобгарлик масалаларида ҳам яққол намоён бўлади.

Биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг 79¹-моддасида озодликдан маҳрум этилган маҳкумлар ҳар куни икки соатлик сайр қилиш ҳуқуқига эга эканлиги кафолатланган. Бироқ, умумий тартибли жазони ижро этиш коллонияларида маҳкумлар кенг очик ҳавода ҳаракатланиш имконига эга бўлса, тергов

ҳибсхоналари инфратузилмасида сайр қилиш ҳовлилари, одатда, бинонинг томида ёки тор, атрофи баланд деворлар билан ўралган кичик ҳудудларда жойлашган бўлади. Бу эса хўжалик хизматидаги маҳкумлар учун очиқ ҳавода бўлиш ва жисмоний фаолликни тўлақонли амалга ошириш имконини чеклайди ҳамда уларнинг соғлиғига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Иккинчидан, Жиноят-ижроия кодексининг 109-моддасига мувофиқ, жазони ўташ тартибини бузган маҳкумларга нисбатан карцерга киритиб қўйиш жазоси қўлланилганда, тергов ҳибсхоналари ва турмаларнинг карцерларида маҳкумларни якка сақлаш белгиланган. Аммо тергов ҳибсхонасида хўжалик хизматида қолган маҳкум қоидабузарлик содир этса, у тўғридан-тўғри энг оғир изоляция – якка сақлаш шароитига тушади. Бундан ташқари, Жиноят-ижроия кодексининг 109-моддаси олтинчи қисмида умумий ва қаттиқ тартибли колонияларнинг карцерларидаги маҳкумларга маблағ сарфлаш ҳуқуқи сақланиб қолингани ҳолда, тергов ҳибсхонаси карцерига тушган хўжалик ходими бундай имтиёздан маҳрум бўлиб қолмоқда. Бу ҳолат маҳкумнинг содир этган қилмиши ва унга қўлланилаётган жазонинг мутаносиблиги тамойилига дахл қилади.

Қонунчиликдаги мазкур бўшлиқларни бартараф этиш мақсадида:

Жиноят-ижроия кодексининг 109-моддасига: “Тергов ҳибсхоналарида хўжалик хизматига оид ишларни бажариш учун қолдирилган маҳкумларга интизомий жазо чораларини қўллаш умумий тартибли колониялар учун белгиланган қоидалар асосида, якка сақлаш режимини қўлламаган ҳолда амалга оширилади” деган мазмундаги қўшимчани киритиш;

Жиноят-ижроия кодексининг 79¹-моддасига: Тергов ҳибсхоналарини қуриш ва реконструкция қилишда хўжалик хизматидаги маҳкумлар учун колония шароитларига тенглаштирилган, кенгайтирилган очиқ сайр майдончаларини ташкил этиш талабини қонун даражасида мустаҳкамлаш мақсадга мувофиқдир. Тергов ҳибсхоналарида хўжалик хизматига жалб этилган маҳкумларни сақлашнинг ҳуқуқий кафолатларидаги яна бир жиддий муаммо уларнинг моддий-маиший таъминоти, хусусан, яшаш майдони нормалари билан боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг 84-моддаси иккинчи қисмида тергов ҳибсхоналари ва турмаларнинг умумий камераларида бир маҳкумга тўғри келадиган яшаш майдони нормаси икки ярим (2,5) квадрат метрдан кам бўлмаслиги белгиланган. Гарчи ушбу рақамли кўрсаткич жазони ижро этиш колонияларидаги умумий турар жойлар нормасидан (2 кв.м.) биров юқоридек туюлса-да, сақлаш шароитлари нуқтаи назаридан қараганда эса улар ўртасида тафовут мавжудлиги кўринади. Зеро, тергов ҳибсхоналаридаги доимий ёпиқ режим ва очиқ ҳавода эркин ҳаракатланишнинг чекланганлиги, маҳкумнинг маиший ва руҳий ҳолатини колониядаги нисбатан эркин шароитига қараганда бирмунча оғирлаштиради.

Умумий тартибли жазони ижро этиш колонияларида маҳкумлар «умумий турар жой»ларда (ётоқхона типиди) яшайди ва кун давомида муассасанинг ички ҳудудида

нисбатан эркин ҳаракатланиш, турли маданий-маиший хоналардан фойдаланиш имкониятига эга бўлади. Бироқ, тергов ҳибсхоналарида қолдирилган маҳкумлар учун бинонинг архитектураси ва режими сабабли фақат «камера» тизими мавжуд. Қонунчилик (Жиноят-ижроия кодексининг 53-моддаси) уларни қулфлаб қўйилмайдиган камераларда сақлашни кафолатласа-да, маҳкум барибир кунлик ишдан ташқари бўлган вақтини 2,5 квадрат метрлик ёпиқ ва тор муҳитда ўтказишга мажбур бўлади.

Бундан ташқари, 2,5 квадрат метрлик яшаш нормаси халқаро пенитенциар стандартларга, хусусан, БМТнинг Нельсон Мандела қоидаларига ҳамда Қийноқларнинг олдини олиш бўйича Европа қўмитаси стандартларига (кўп кишилиқ камераларда ҳар бир маҳкум учун камида 4 квадрат метр яшаш жойи ажратилиши тавсия этилади) тўлақонли мувофиқ келмайди. Узоқ муддат (йиллар давомида) бундай зич ва чекланган шароитда сақланиш маҳкумнинг жисмоний ва руҳий соғлиғига жиддий путур етказиши, бу эса ўз навбатида жазонинг мақсади бўлган ахлоқан тузатиш жараёнига тўсқинлик қилиши илмий жиҳатдан асосланган.

Маҳкумларнинг моддий-маиший таъминотини халқаро стандартларга мослаштириш мақсадида Жиноят-ижроия кодексининг 84-моддасига қуйидаги мазмундаги қўшимчаларни киритиш таклиф этилади:

Биринчидан, Жиноят-ижроия кодексининг 84-моддасининг иккинчи қисмидаги нормани қайта кўриб чиқиб: “Тергов ҳибсхоналарида хўжалиқ хизматига оид ишларни бажариш учун қолдирилган маҳкумлар учун яшаш майдони нормаси халқаро стандартларга мувофиқ камида 4 квадрат метр этиб белгиланади” деган қоидани жорий этиш.

Иккинчидан, Ушбу тоифадаги маҳкумларни сақлаш шаклини ўзгартириш мақсадида, уларни “камера”ларда эмас, балки тергов ҳибсхоналари ҳудудида алоҳида ажратилган, маиший шароитлари умумий тартибли колонияларга тенглаштирилган “умумий турар жой” (ётоқхона) блокларига жойлаштиришни қонун билан мустаҳкамлаш лозим.

Бироқ, тергов ҳибсхоналаридаги маҳкумларнинг ҳуқуқий ҳолатини халқаро пенитенциар стандартларга тўлиқ мослаштириш фақатгина уларнинг моддий-маиший шароитларини яхшилаш билан чекланиб қолмайди. Мазкур ислохотларнинг мантиқий ва ажралмас давоми сифатида, ушбу тоифадаги шахсларнинг юридик мақомини ҳамда уларга нисбатан қўлланиладиган мажбурлов чоралари жараёнида ҳибсхона маъмуриятининг ваколатларини процессуал жиҳатдан қатъий чегаралаш талаб этилади. Шу нуқтаи назардан, Жиноят-процессуал кодексининг 39¹-моддаси тергов ҳибсхоналарида қолдирилган маҳкумларнинг процессуал ҳимояланганлиги ва ҳибсхона маъмуриятининг ваколатлари масаласини очиқ беради.

Ушбу модданинг 4-бандига кўра, тергов ҳибсхоналарининг бошлиқлари мазкур муассасалар ҳудудида содир этилган жиноятларга доир ишлар бўйича терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган ҳисобланади. Бу шунинг англатадики, хўжалиқ хизматидаги маҳкум билан боғлиқ бирор ҳуқуқбузарлик ёки жиноят содир этилса (ёки

маҳқумнинг ўзи маъмуриятнинг хатти-ҳаракатларидан жабрланса), дастлабки текширувни айнан шу муассаса бошлиғи амалга оширади. Маҳқумларнинг тергов ҳибсхонасидаги ёпиқ шароитда сақланиши ва муассаса маъмуриятининг ҳам назорат қилувчи, ҳам терговга қадар текширув ўтказувчи орган сифатидаги ваколати маҳқумларнинг ҳуқуқий ҳимоясини янада кучайтиришни ва қонунчиликда уларнинг мақомини аниқ белгилаб қўйишни тақозо этади.

Жиноят-процессуал кодексининг 244-моддасида тергов ҳибсхоналаридаги маҳқумларнинг ҳуқуқий кафолатларига таъсир қилувчи, аммо шу пайтгача эътибордан четда қолган процессуал бўшлиқлар намоён бўлади. Хусусан, модданинг бешинчи қисмида тергов ҳаракатларини бажариш ёки суд мажлисларида иштирок этиш учун қамоққа олинган шахсларни тергов ҳибсхоналаридан вақтинча сақлаш ҳибсхоналарига (ВСХ) бир ой мобайнида ўн суткагача ўтказишга рухсат берилган. Агар ушбу нормани бошқа иш бўйича гувоҳ ёки жабрланувчи сифатида жалб қилинган маҳқумларга нисбатан татбиқ этсак, маҳқум жазони ижро этиш колониясидан тергов ҳибсхонасига, ундан эса вақтинча сақлаш ҳибсхонасига (ВСХ) ўтказилиши натижасида «режим ва мақом номутаносиблиги» юзага келади. Амалиётда ВСХлардаги кундалик маиший шароитлар тергов ҳибсхонасига қараганда муайян маънода қулайроқ ёки эркинроқ туюлиши мумкин. Бироқ, юридик нуқтаи назардан ВСХлар фақат қисқа муддатли (вақтинча) сақлашга мўлжалланган муассаса бўлиб, у ерда маҳқумнинг фундаментал ҳуқуқларини таъминловчи инфратузилма (узоқ муддатли оилавий учрашувлар хоналари, ишлаб чиқариш-меҳнат зоналари ва мунтазам тиббий-реабилитация базаси) назарда тутилмаган.

Шунингдек Жиноят-процессуал кодексининг 245- ва 538-моддаларини таҳлил қилганда бир қатор муаммолар борлиги кўринади;

Биринчидан, ЖПКнинг 245-моддасига кўра, айбланувчини қамоқда сақлаш фақат суднинг санкцияси (Хабеас корпус) билан амалга оширилиши белгиланган, бироқ, 538-моддада колониядан олиб келинган гувоҳ-маҳқумни тергов ҳибсхонасида 6 ойгача сақлаш учун суд ажрими талаб этилмайди, фақат прокурорнинг розилиги кифоя қилади. Маҳқумни колониядаги нисбатан эркин шароитдан (умумий турар жой ва узоқ муддатли учрашувлардан маҳрум қилиб) тергов ҳибсхонасининг ёпиқ камерасига ўтказиш унинг ҳолатини бирмунча оғирлаштиришини инобатга олганда бу жараённинг суд рухсатисиз амалга оширилиши инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тамойилларига мос эмас;

Иккинчидан, иш терговдан судга ошганидан сўнг (538-моддага асосан), маҳқумни тергов ҳибсхонасида сақлаш суд ажрими билан амалга оширилса-да, қонунда аниқ муддат кўрсатилмаган (фақатгина «иш судда кўриб чиқиладиган вақтга қадар» деб белгиланган). ЖПКнинг 245-моддасида оддий айбланувчининг қамоқ муддати қатъий чегараланган (кўпи билан 7 ой) бир вақтда, гувоҳ мақомидаги маҳқумнинг мураккаб суд жараёнлари тугагунига қадар (бир неча ойлаб) тергов ҳибсхонасининг оғир шароитида қолиб кетиши хавфи юзага келади. Бу эса жиноят процессида шахснинг мақоми унинг

сақланиш шароити ва муддатига мутаносиб бўлиши кераклиги ҳақидаги умумеътироф этилган қондани инкор этади.

Учинчидан, мазкур нормаларда процессуал компенсация механизмининг мавжуд эмаслиги миллий қонунчиликдаги ўзига хос ҳуқуқий бўшлиқ ҳисобланади. Агар маҳкум бошқа жиноят иши доирасида терговга ёрдам бериш учун (гувоҳ ёки жабрланувчи сифатида) ўз ихтиёридан ташқари, жазо ўтаётган умумий тартибли ёки манзил-колониянинг нисбатан эркин шароитидан олиниб, бир неча ой давомида тергов ҳибсхонасининг ёпиқ камерасида сақланса, бу вақт унинг асосий жазо муддатига Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 62-моддасига мувофиқ оддий тартибда (бир кунга бир кун) қўшиб ҳисобланмоқда. Бироқ, бу қоида маҳкумнинг яшаш шароитларининг бирмунча оғирлашганлигини ўзида акс эттирмайди.

Бу борадаги хорижий тажрибани қиёсий таҳлил қилиш шунини кўрсатадики, кўплаб давлатлар жиноят қонунчилигида сақлаш режимларининг оғирлик даражаси табақалаштирилган ҳолда баҳоланади. Хусусан, Россия Федерацияси Жиноят кодексининг 72-моддаси (3.1-қисми) талабларига кўра, тергов ҳибсхонасида сақлашнинг бир кунини умумий тартибли колониядаги бир ярим кунга, манзил-колониядаги икки кунга тенглаштириб ҳисобланиши қатъий мустаҳкамланган. Мазкур қоида инсон давлат манфаатлари йўлида ўзига белгиланганидан оғирроқ шароитда сақлангани учун, унга қонуний компенсация берилишини кафолатлайди. Шу боис, ижтимоий адолат ва инсонпарварлик тамойилларидан келиб чиқиб, суд ёки тергов манфаатлари учун колониялардан тергов ҳибсхонасига ўтказилган маҳкумларнинг сақланган кунларини уларнинг асосий жазо режимига нисбатан имтиёзли коэффициентда (1:1,5 ёки 1:2) ҳисоблаш тизимини Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига ҳам жорий этиш мақсадга мувофиқдир.

Хулоса қилиб айтганда, тергов ҳибсхоналарида маҳкумларни сақлашнинг амалдаги ҳуқуқий асослари уларнинг қонуний мақоми ва реал инфратузилмавий шароитлари ўртасидаги тафовутларни бартараф этишга қаратилган тизимли такомиллаштиришни талаб этади. Қонунчиликдаги бўшлиқлар сабабли, хўжалик хизматида қолдирилган ёки процессуал зарурат билан ушлаб турилган маҳкумларнинг жазони ижро этиш колонияларидагидек базавий ҳуқуқларидан (умумий турар жойлар, узоқ муддатли учрашувлар, мослашув даври) чекланиши жазонинг ахлоқан тузатиш мақсадларига ва халқаро пенитенциар стандартларга тўлақонли мос келмайди. Мазкур муаммоларни ҳал этиш мақсадида, Жиноят-ижроия ва Жиноят-процессуал кодекслари нормаларини қайта кўриб чиқиб, тергов ҳибсхоналарида маҳкумлар учун колония шароитларига мутаносиб алоҳида яшаш блокларини яратиш, оилавий алоқаларни қатъий кафолатлаш ҳамда интизомий таъсир чораларини қўллашнинг ҳуқуқий чегараларини қонун даражасида мустаҳкамлаш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Атажанов, Ўткир Маматсалаевич. "ХОТИН-ҚИЗЛАРГА НИСБАТАН ТАЗЙИҚ ВА ЗЎРАВОНЛИКНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ БЎЙИЧА ҲУҚУҚИЙ МЕХАНИЗМЛАР ТАҲЛИЛИ." Новости образования: исследование в XXI веке 4.40 (2025): 18-24.
2. Атажанов Ў. М., Найимов Х. Ж. ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ МАХСУС ПРОФИЛАКТИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ //Научный Импульс. – 2025. – Т. 4. – №. 39. – С. 703-709.
3. Атажанов, У. М. (2025). ДЕТЕРМИНАНТЫ КРИМИНОГЕННОСТИ СЕМЬИ И ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ ИНСПЕКТОРОВ ПРОФИЛАКТИКИ В СИСТЕМЕ УКРЕПЛЕНИЯ СЕМЕЙНЫХ ОТНОШЕНИЙ, ИНСТИТУЦИОНАЛЬНЫЙ ПОДХОД К ОБЕСПЕЧЕНИЮ ОБЩЕСТВЕННОЙ БЕЗОПАСНОСТИ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН. Научный Импульс, 3(33), 157-165.
4. Атажанов Ў. М. и др. ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ ХИЗМАТЛАРИ ТОМОНИДАН ПРОФИЛАКТИК ЧОРА-ТАДБИРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ //Новости образования: исследование в XXI веке. – 2025. – Т. 4. – №. 40. – С. 10-17.
5. Атажанов, Ўткир Маматсалаевич. "ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ ТИЗИМИДА ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИНИНГ ВАЗИФА ВА ФУНКЦИЯЛАРИНИ НАЗАРИЙ АСОСЛАШ, КОНЦЕПТУАЛ МОДЕЛЬ ВА ИМПЛЕМЕНТАЦИЯ СТРАТЕГИЯЛАРИ." Научный Импульс 3.33 (2025): 146-156.
6. Атажанов Ў. М. и др. ФУҚАРОЛИК ВА МИГРАЦИЯ СОҲАСИДА ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИНИНГ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ АМАЛИЁТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ //Новости образования: исследование в XXI веке. – 2025. – Т. 4. – №. 39. – С. 333-340.
7. Атажанов, Ў. М. (2026). ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ҲУҚУҚИЙ ОНГИ ВА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШНИНГ РЕТРОСПЕКТИВ ТАҲЛИЛИ ВА ЗАМОНАВИЙ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ МЕХАНИЗМЛАРИ. Новости образования: исследование в XXI веке, 4(41), 663-674.
8. Атажанов, Ў. М. (2025). ҲАЁТГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАРНИНГ МАХСУС ПРОФИЛАКТИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ МЕХАНИЗМЛАРИ. Новости образования: исследование в XXI веке, 4(40), 648-660.
9. Атажанов, Ўткир Маматсалаевич, and Хуршид Жамшидович Найимов. "ЎЗБЕКИСТОНДА ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ МАХСУС ПРОФИЛАКТИКАСИ, ҲУҚУҚИЙ МЕХАНИЗМЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ." Научный Импульс 4.40 (2025): 346-354.
10. Muratbaevna, Kaipbaeva Zaxira. "PROFILAKTIKA INSPEKTORLARI TOMONIDAN O'G'IRLIK JINOYATLARINING UMUMIY PROFILAKTIKASINI TAKOMILLASHTIRISHNING NAZARIY VA AMALIY MASALALARI." Научный Импульс 4.39 (2025): 458-466.

11. Адхамов, З. А. (2025). ИЛГАРИ СУДЛАНГАН ШАХСЛАРНИНГ ТАСНИФЛАНИШИ ВА УЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ. *Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies*, 2(5-2), 31-35.
12. Адхамов З. А. БУХОРО ВИЛОЯТИДА ИЛГАРИ СУДЛАНГАН ШАХСЛАР ТОМОНИДАН СОДИР ЭТИЛГАН ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ КРИМИНОЛОГИК ТАВСИФИ ВА УЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ЧОРАЛАРИ: МУАММОЛАР ВА ЕЧИМЛАР ТАҲЛИЛИ // *Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies*. – 2025. – Т. 2. – №. 6. – С. 85-89.
13. Бобур, М. (2025). ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ ОММАВИЙ ТАДБИРЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА МИЛЛИЙ ГВАРДИЯ ОРГАНЛАРИ БИЛАН ЎЗARO ҲАМКОРЛИГИ. *PEDAGOGS INTERNATIONAL RESEARCH JOURNAL*, 95(1), 175-181.
14. Ганиев, Фаррух Тахиржанович, and Мухаммадлазиз Санжарбек угли Мавленбеков. "ОРГАНИЗАЦИЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ИНСПЕКТОРА ПРОФИЛАКТИКИ ПО ПРЕДОТВРАЩЕНИЮ И ПРЕСЕЧЕНИЮ ПОРНОГРАФИЧЕСКИХ МАТЕРИАЛОВ И ИХ РАСПРОСТРАНЕНИЯ." *Integration of Innovative Education and Training* 2.2 (2026): 207-214.
15. Қадамович, Бабаханов Ҳамдам, and Отабек Улуғбек Ўғли Жумашев. "ПАРЛАМЕНТ ВА ДЕПУТАТЛИК НАЗОРАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ОРҚАЛИ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ: ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР ВА ЕЧИМЛАР." *Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies* 2.3 (2025): 42-46.
16. Турсунова, Сабина Равшановна. "ПРИМЕНЕНИЕ ПРОФАЙЛИНГА В РАСКРЫТИИ И РАССЛЕДОВАНИИ ПРЕСТУПЛЕНИЙ." *Central Asian Journal of Education and Innovation* 4.9 (2025): 45-52.